

Муминов Н.Г.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудири вазифасини бажарувчи, доцент, иқтисод фанлари номзоди

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЕР ИСЛОҲОТЛАРИ – ЯНГИ ТИПДАГИ ХЎЖАЛИК ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСИ СИФАТИДА

МУМИНОВ Н.Г. ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЕР ИСЛОҲОТЛАРИ – ЯНГИ ТИПДАГИ ХЎЖАЛИК ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСИ СИФАТИДА

Мақолада Хитой қишлоқ хўжалигида ерни ислоҳ этиш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари ёритилган. Пудрат шаклида фаолият юритиш масалалари таҳлил этилган.

Таянч иборалар: ер ресурси, мулкый ҳуқуқ, пудрат, экин майдони.

MUMINOV N.G. ЗЕМЕЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ, ОСУЩЕСТВЛЯЕМЫЕ В КИТАЙСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКЕ – КАК ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ХОЗЯЙСТВА НОВОГО ТИПА

В статье описаны основные направления земельных реформ и пути эффективного использования земельных ресурсов в сельском хозяйстве Китая. Проанализированы вопросы ведения хозяйства на основе подряда.

Ключевые слова: земельный ресурс, право собственности, подряд, посевная площадь.

MUMINOV N.G. LAND REFORMS IMPLEMENTED IN THE PEOPLE'S REPUBLIC OF CHINA – AS THE BASIS OF FORMATION OF A NEW TYPE OF MANAGEMENT

The article describes the main directions of land reform and the effective implementation of land resources в сельском хозяйстве Китая.. Analyzed issues of doing based on contract farming.

Keywords: land, property rights, succession, sown area.

Ернинг жамиятдаги аҳамияти беқиёсдир. Унда фуқаролар яшаши учун бинолар қурилади, турли маҳсулотлар етиштирилади. Ер қишлоқ хўжалиги тармоғининг энг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Ерга уруғ, кўчат экиб, ишлов бериш натижа-сида турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади.

Қишлоқ хўжалик тармоғида амалга оширилган ер ислоҳотларини мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсишдаги ўрни тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳам қуйидаги фикр билдирган: «Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг принципиал муҳим йўналишидир. Айтиш керакки, мазкур тармоқда хўжалик юришнинг фермерлик тизимига ўтилиши муносабати билан фермерлар учун ижара мулки ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонларини оптималлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу тадбирни амалга ошириш, биринчи навбатда, суғориладиган деҳқончилик шароитида, сув тақчиллиги ва ерларнинг аксарият қисми кучли шўрланган бир вазиятда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва қишлоқ туманларида экин майдонлари амалда тупроқ унумдорлиги ва ер бонитети бўйича кескин фарқ қилиши билан боғлиқ»¹.

Ер тизими – қишлоқ хўжалигида хўжалик тизимининг асосидир, унинг инновацион янгиланиши қишлоқдаги мавжуд хўжалик

тизимини ислоҳ этишнинг чуқурлашувига олиб келади. Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси ва ХХР Давлат кенгашининг 2014 йил 1-сон ҳужжатида мувофиқ, Хитой қишлоқларида ер тизимини ислоҳ этишнинг қуйидаги йўналишлари белгилаб берилган: 1) қишлоқда деҳқонларнинг ерга мулкӣ ҳуқуқи тизимини ислоҳ этиш, яъни деҳқон уйи томонидан пудрат асосида хўжалик юритиш ҳуқуқи; 2) шаҳар ва қишлоқда қурилиш мақсадлари учун «ягона ер бозори»ни ташкил этиш; 3) қишлоқда деҳқонларга уй-жой қуриш учун ер тизимини ислоҳ этиш ва уни бошқариш тизимини такомиллаштириш; 4) қишлоқда ерни реквизиция қилиш тизимини ислоҳ этиш ва ер қийматидан олинадиган қўшилган қийматни тақсимлаш тизимини яратиш.

Ислоҳотларнинг кўрсатилган йўналишлари фақатгина аграр соҳадаги хўжалик юритиш тизимининг янги типини шакллантириш муаммоларигагина тегишли эмас, балки мамлакатнинг қуйидаги стратегик вазифаларини ҳал қилиш билан боғлиқ умуммиллий аҳамиятга эга: қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, иқтисодий ривожланиш моделини ўзгартириш, урбанизациянинг янги типига ўтиш, шаҳар ва қишлоқ ривожини интеграциялаш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва, албатта, ўртача фаровонликда яшовчи жамиятни яратиш. Кўрсатиб ўтилган ислоҳотлар ерга бўлган мулкӣ ҳуқуқнинг бир томонига – фойдаланиш ҳуқуқига тегишли бўлиб, ерга коллектив мулкчилик ҳуқуқини ўзгартирмаяпти. Ҳар бир йўналиш алоҳида изланишни талаб этади. Бунда ислоҳотнинг биринчи йўналишида тўхталиб ўтиш зарур,

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 15 январь.

у қишлоқ хўжалигининг асосий хўжалик юритиш тизимини инновацион янгилаш билан бевосита боғлиқдир.

Аграр соҳада хўжалик юритишнинг янги типини инновацион шакллантиришнинг дастлабки шартини бўлиб ерга мулкчилик ҳуқуқини таркибининг ўзгартириш ёки қишлоқда ерда пудрат шаклида хўжалик юритиш ҳуқуқини муаммоларининг ечиш ҳисобланади. Унинг моҳияти қуйидагича. Иқтисодий ислохотларга бўлган даврда (1978 й.) Хитой қишлоғида ер тизимини ерга мулк ҳуқуқ ва унда хўжалик юритишнинг яхлитлигини намоён этади. Ҳозирги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг икки босқичли тизимини ислохотлар даврида ерга бўлган мулк ҳуқуқини икки қисмга ажратиш натижасида шаклланди.

Мулк ҳуқуқини мулк ҳуқуқ ва хўжалик юритиш ҳуқуқига бўлинган (кейинчалик у «пудрат шаклида хўжалик юритиш ҳуқуқини» деб номланган), бунда коллектив мулк ҳуқуқини коллективга ўтди¹, пудрат шаклида хўжалик юритиш ҳуқуқини деҳқонга ўтди. Бу бир томондан коллективнинг ерга мулк ҳуқуқини чеклади, деҳқонлар томонидан эгаллик қилиш ҳуқуқини эса тўлиқ бўлмайд қолди ва бунинг хитойлик олимлар таъкидлашмоқда. Худди шу ерда қишлоқда ерга мулк ҳуқуқини субъектининг ноаниқлигини муаммосини юзага келди.

Шундай бўлса ҳам, «икки ҳуқуқнинг бундай тақсимланиши» ерга коллектив мулк ҳуқуқини сақлаб қолиш ва хўжалик юритишнинг пудрат шаклига ўтиш имконини берди. Бунда деҳқонларга коллектив ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишда нисбатан эркинлик берилиб, унда оила хўжалигини юритишга имкон берилди. Бу қишлоқда амалга оширилган ислохотнинг энг муҳим жиҳати эди. Хитойлик олимларнинг фикрича, бу ислохотнинг энг кат-

та ютуғи деҳқонларга анча таниш бўлган оила хўжалиги юритиш шаклига қайтиш бўлди. Деҳқон пудратчилик уйининг оилавий хўжалиги шакли қишлоқ ишлаб чиқарувчисининг ишлаб чиқариш воситалари билан узоқ муддат алоҳидаликдан сўнг узвий боғлади. Кейинги давр амалиёти бундай хўжалик тизимини деҳқонларнинг ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, ер ресурслари ҳимояси, ўсиб бораётган бозор шароитида барқарорликни сақлашда моддий манфаатларининг ошишига олиб келди, барча томонларнинг – давлат, коллектив, деҳқонларнинг манфаатларининг ҳисобга олиш² имконини берди. Охир натижада, ушбу хўжалик юритишнинг икки босқичли тизимини ишлаб чиқариш ва деҳқонлар даромадининг тез ўсиб кетишини рағбатлантирди, мамлакатда қисқа муддатда озиқ-овқат муаммосини ечишга имкон берди.

Ерга коллектив мулк ҳуқуқининг сақлаб қолиниши зарурати, ўз навбатида, бир қатор муҳим объектив ва субъектив омиллар таъсирида юзага келган. Биринчи навбатда, ислохотларнинг биринчи йилларида қишлоқ хўжалигида ҳозирги хўжалик тизимини шакллантиришда, асосий стратегик вазифа ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳолини боқиш (ҳар бир инсоннинг овқати бўлиш керак) ҳисобланган даврда, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун миллионлаб деҳқонларнинг меҳнат фаолигини мобилизация қилиш учун ерни пудрат асосида оилалар ўртасида «оғиз сонидан келиб чиқиб» тенглаштирилган тамойил асосида тақсимлаш натижасида эришилди. Хитойнинг тарихий тажрибасини эътиборга олган ҳолда ерни деҳқон ва унинг оиласини боқувчи асосий восита сифатидаги ижтимоий функциясини бажаришда ерга хусусий мулк ҳуқуқини эмас, балки коллектив мулк ҳуқуқини жорий

¹ Яъни коллектив хўжалик ташкилотига ўтади, унинг аъзолари бўлиб қишлоқдаги барча деҳқон пудратчилик уйлари ҳисобланади, у аграр соҳада икки босқичли хўжалик юритиш шаклини намоён этади.

² Нунцунь цзинцзи бяньгэ ды сытун као-ча (Исследование системной эволюции аграрной экономики). Чжунго шэхуэй кэсюэ чубаньшэ.1984.С.268-272.

этиш мақсадга мувофиқ¹, деб ҳисобланди. Бунга яна бир сабаб бўлиб бозор шароитида ер ресурсининг камчилик фойдасига қайта тақсимланишига йўл қўймаслик ва деҳқонларнинг асосий қисми ерсиз қолиб кетмаслиги ва натижада, қишлоқда ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви, жамиятда барқарорликнинг бузилишининг олдини олиш ҳисобланади². Ниҳоят, бозор муносабатларини кенгайтириш шароитида мамлакатнинг озиқ-овқат муаммосини ҳал этувчи, умуммиллий ҳисобланган экин майдонларининг майдаланиб ва таркиби бузилиб кетмаслигининг олдини олиш муҳим вазифа ҳисобланганди. Ва энг муҳими – қишлоқда ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига (айниқса, ерга) ижтимоий мулкчиликни (унинг коллектив шаклини) сақлаб қолиш мамлакат раҳбариятининг қишлоқда хитой хусусиятларидан келиб чиқиб социализм қуриш йўналишига мос келар эди.

Шуни таъкидлаш керакки, қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар (1978-1983 йй.) амалиётида биринчи мартаба амалга оширилган «икки ҳуқуқнинг тақсимланиши» тамойилидан кейинчалик давлат корхоналарида ислоҳотлар ўтказишда³, бошқарувнинг акционерлик тизимини жорий этишда ва корпорациялар тизимини яратишда⁴ фаол қўлланилди.

¹ Чэнь Цзяньбо. Структура управления коллективной собственностью на землю – проблема, вновь требующая внимания. // Чжунго нунцунь чжэнцэ баогао тяоча (Обследование докладов аграрной политики Китая) (Глав. ред. Хан Цзюнь). Ч. 2. Шанхай юаньдун чубаньшэ. 2008. -С. 257-258.

² «Чжунго нунцунь цзинцзи», 2011, №4. -С. 6.

³ «Икки ҳуқуқнинг тақсимланиши» тамойили ХКПнинг 15-съездида (1997 й.) илгари сурилган мулкчиликнинг назарий концепциясининг қисми ҳисобланади, унга биноан социализм шароитида мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, жамоа мулкчилик шакли асосий ҳисобланади. Бунда «жамоа мулки» ва «жамоа мулкни амалга ошириш шакллари» тушунчалари ажратилиб кўрсатилиши мумкин («Чжунго гайгэ», 2013, №12. -С. 19).

⁴ Островский А.В. Китайская модель перехода к рыночной экономике. – М.: ИДВ РАН. 2007. -С. 29.

Охирги йилларда хитой қишлоғида ер тизимни ислоҳ этишни чуқурлаштириш вазифаси мулккий ҳуқуқни қайта тақсимлаш амалиётини қўллаш заруратига дуч келди. Бу зарурат энди янги омиллар билан асосланмоқда. Индустрлаштириш ва урбанизация жараёнларининг жадаллашувида қишлоқ жойларда ортиқча бўлган иш кучи ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига, шаҳарга ўтганда (2013 йилга келиб жами 263 миллион киши), пудрат асосида хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширишда муаммолар юзага келди. Ерга ишлов беришдан кетган иш кучи ҳанузга деҳқон статусига эга, лекин энди қишлоқ хўжалигида ишламайди. У ҳозирги вақтгача коллектив ерда пудрат хўжалигининг субъекти ҳисобланса ҳам, амалиётда эса бундай эмас. Қишлоқда ерни коллективлаштиришга ўтказиш суръатлари ўсиб бориши шароитида, кундан кунга хўжалик юритишнинг пудрат ҳуқуқини қўйидаги икки қисмга ажратиш амалиёти кенгайиб бормоқда: ерга пудратчилик ҳуқуқи ва ерда хўжалик юритиш ҳуқуқи. Статистик маълумотларга кўра, 2012 йил охирига келиб қишлоқда 270 миллион му (18.09 миллион га) ер (ёки мамлакат экин ерларининг 21%)⁵ мавжуд бўлса, ҳозирги ер қонунчилигида бундай тақсимланишлар йўқ. Ушбу икки ҳуқуқнинг расмий тан олиниш зарурати юзага келди.

Буни амалга ошириш учун хитой қишлоғида ерга бўлган мулккий ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни талаб қилувчи муҳим сабаблар мавжуд. Ерни «оғиз сонидан келиб чиқиб» тенглаштирилган тамойил асосида тақсимлаш амалиёти ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб бўлди, уни қўллашни давом эттириш ер участкаларининг майдаланиб кетишига ва ишлаб чиқариш самардорлигини пасайишига олиб келади. Бир томондан, ислоҳотлар даврида озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, қишлоқ аҳолисининг кескин ўсиб кетиши, экинзорлар етиш-

⁵ «Нунминь жибао», 18.11.2013.

маслиги шароитида уларни «оғиз сонидан келиб чиқиб» тенглаштирилган тамойил асосида тақсимлаш натижасида ер майдонларининг майдалашиб кетиши, иккинчи томондан, индустрлаштириш ва урбанизация жараёнлари таъсирида қишлоқдаги иш кучининг бошқа соҳалар ва шаҳарга кенг миқдорда оқиб ўтиши аграр иқтисодиётда микро- ва макродаражада чуқур таркибий ўзгаришлар ва ривожланишда янги тенденцияларга олиб келди.

Микродаражада ўзгаришлар фақатгина оила иқтисодиётининг таркибига таъсир кўрсатмади. Ундан фаол иш кучи кетди, асосий ишчи сифатида қариялар, аёллар ва болалар намоён бўлмоқда. Энг муҳими – энди деҳқон хўжалигида оилавий пудрат хўжалиги асосий даромад манбаи ҳисобланмаслигидир. Шу билан бирга қишлоқда ер функциясининг аҳамияти ўзгармоқда: ернинг ҳаёт ва даромад топиш асосий манбаси сифатидаги аҳамияти пасайди ҳамда унинг мулкӣ функцияси ва экин ерларни ҳимоялаш функцияси аҳамияти ўсиб бормоқда¹. Натижада деҳқонларнинг ерга мулкӣ ҳуқуқ муносабатлари, уни ўзлаштириш усуллари ўзгарди. Бу ўз навбатида, мулкӣ ҳуқуқ чегаралари, характери ва таркибининг ўзгариши, яъни ушбу тизимга эгилувчанлик, кўп шакллилик, уларни ҳимоялаш кафолатларини кенгайтириш, ушбу ҳуқуқ билан битимлар самарадорлигига эришишни талаб этади².

Ерга мулкӣ ҳуқуқ тизимини ўзгартиришнинг айнан шу объектив ўзгаришлар ва талаблари кун тартибига «уч ҳуқуқни тақсимлаш» масаласини қўйди. Вазифа шундан иборатки, қишлоқдаги энг муҳим ва оғир муаммо ҳисобланган – ер муносабатларини тартибга солиш катта аҳамият

касб этмоқда: ерни маъмурий равишда «оғиз сонидан келиб чиқиб» тенглаштирилган тамойил асосида тақсимлашдан экин майдонларини қонунчилик асосида бозор муносабатлари орқали самарали тақсимлашга ўтиш, натижада деҳқонларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришда, модернизациялашда манфаатдорлигини оширишга эришиш. Мамлакат раҳбариятининг режасига мувофиқ, ерга мулкӣ ҳуқуқнинг янги тизими бундай янги механизм бўлиб хизмат қилиши керак эди. ХКП МҚнинг 2013 йил 1-сонли ҳужжатида кўрсатилишича: «Қишлоқда аниқ, қонуний, очиқ коллективнинг мулкӣ ҳуқуқи тизимининг яратилиши – қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ривожланишининг ҳаётий кучларини рағбатлантиришга талабдир»³.

Замон талабига жавобан ҳукумат «уч ҳуқуқни тақсимлаш асосида янгиланган хўжалик тизими (коллектив мулк ҳуқуқи, пудрат ҳуқуқи ва хўжалик юритиш ҳуқуқи) яратишга»⁴ қарор қилди. Бундай тақсимлаш натижасида пудрат хўжалик юритиш ҳуқуқидан хўжалик юритиш ҳуқуқи ажралиб чиқиб, нисбатан мустақилликка эришди, уни пудрат хўжаликнинг эгаси ер алмашуви жараёнида беғараз равишда бошқа хўжаликка бериб юбориши мумкин. Бу қадам деҳқон хўжалигининг пудрат ҳуқуқини барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Яқин кунларгача пудрат ҳуқуқини йўқотиш ва маҳаллий ҳокимиятнинг деҳқонларни пудрат ерларидан воз кечишга мажбурлаши ҳоллари тез-тез учраб турар эди. Бу деҳқонларнинг пудратчилик фаолиятини амалга оширишида хавф туғдирар эди. Шу сабабдан мулкӣ ҳуқуқ таркиби ислохотини чуқурлаштириш қарори қабул қилинди: «ерга коллектив мулк ҳуқуқини амалга ошириш, пудрат ҳуқуқини барқарорлаштириш, хўжалик юритиш ҳуқуқини жонлантириш»⁵.

¹ Чэнь Цзяньбо. Структура управления коллективной собственностью на землю – проблема, вновь требующая внимания. // Чжунго нунцунь чжэнцэ баогао тяоча (Обследование докладов аграрной политики Китая) (Глав. ред. Хан Цзюнь). Ч. 2. Шанхай юаньдун чубаньшэ. 2008. – С. 256.

² Ўша ерда.

³ http://rdi.cass.cn/show_News.asp?id.33987.

⁴ http://rdi.cass.cn/show_News.asp?id.35075;35032.

⁵ Ўша ерда.

Шуни қайд этиш муҳимки, мамлакат қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва қишлоқ хўжалигида янги асосий хўжалик тизимининг яратилиши ҳамда Хитой қишлоғида ер тизимини ислоҳ этиш масалаларини кўриб чиқувчи учта муҳим расмий ҳужжатларда (ХКП МҚ 18-чақирув 3-пленими қарори, ХКП МҚ 1-сонли ҳужжатлари, 2013 йил ва 2014 йил учун) «тақсимлаш» атамаси ва «уч ҳуқуқни тақсимлаш» тўғрисида аниқ таърифлар ва изоҳлар учрамайди, фақатгина унинг алоҳида фрагментлари берилган бўлиб, у белгиланган ислоҳотларни тўлиқ ва тўғри тасаввур этишни қийинлаштиради. ХКП МҚнинг 2014 йил 1-сонли ҳужжатида мулккий ҳуқуқ тизимининг ислоҳ этилиши қуйидагича баён этилган: «пудрат муносабатларини узоқ муддатга барқарорлаштириш, деҳқон хўжалигининг пудрат ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва пудрат ерда хўжалик юритиш ҳуқуқини жонлантириш, деҳқонларга пудратдаги ерлар борасида эгалик қилиш, фойдаланиш, даромад олиш, айирбошлаш ҳуқуқлари ҳамда гаров ва кафиллик ҳуқуқини бериш»¹. Фақатгина ХКП МҚнинг Умумхитой кенгашини (2013 йил декабрь) ёритиб берувчи материаллар ва изоҳларда «уч ҳуқуқни тақсимлаш» бўйича йўналишлар аниқ кўрсатилган. «Уч ҳуқуқни тақсимлаш» борасида хитойлик олим Чэнь Ивэнь қуйидагича фикр билдирган: «Бу сафар қишлоқ билан ишлаш бўйича кенгаш «уч ҳуқуқни тақсимлаш» (мулккий ҳуқуқ, пудрат ҳуқуқи ва хўжалик юритиш ҳуқуқи)ни тушунтириш, ерга мулккий ҳуқуқни амалга оширишни талаб этиш, пудрат ҳуқуқини барқарорлаштириш, хўжалик юритиш ҳуқуқини жонлантириш бўйича кўп куч ва вақт сарфлади... Биринчи навбатда, деҳқон хўжалиги қишлоқнинг коллектив ерида пудратчи ҳолатини эгаллади ва унинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди»².

¹ http://rdi.cass.cn/show_News.asp?id.35075.

² http://rdi.cass.cn/show_News.asp?id.35115.

Мулккий тизимни ислоҳ этишнинг янги курси пудрат ҳуқуқи ва пудрат муносабатларини мустаҳкамлаш ва барқарорлаштириш бўйича бир қатор йўналишларни ўзида мужассамлаштиради. Ерга коллектив мулкчилик ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда қишлоқ хўжалик юритиш тизимини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда³, мамлакат раҳбарияти деҳқонларни ерга бўлган мулккий ҳуқуқларини аниқлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш (гувоҳнома бериш билан) бўйича ишларни умуммиллий миқёсда⁴, бундан ташқари экин ерларини ҳимоялашни амалга ошириш ва озиқовқат хавфсизлиги кафолати сифатида мамлакат экин ерларининг «қизил чизиғи»ни (120 миллион га) бузмаслик сиёсатини фаоллаштирди.

Ерга оилавий пудрат тизимининг ўрни ва аҳмиятини кучайтириш мақсадида қарор қабул қилиниб, коллектив ерга пудрат олиш ҳуқуқи эндиликда «коллектив хўжалик ташкилоти аъзоси» мақоми билан боғланмоқда⁵. Оилавий пудратнинг «монополия мақоми»ни белгилаш пудрат муносабатларини мустаҳкамлаш ва барқарорлаштиришни англатади, мамлакат қишлоқ хўжалигида узоқ муддат давомида оила хўжалиги характери сақланиб қолишини кафолатлайди.

«Ҳуқуқларни тақсимлаш» шароитида пудрат ҳуқуқининг аҳамияти асосан икки аспектда намоён бўлмоқда: биринчиси – пудрат ҳуқуқини олиш. Ерга пудрат ҳуқуқини олиш учун алоҳида шароит мавжуд – коллектив хўжалик ташкилоти-

³ Ўша ерда

⁴ Бу ишлар бир неча йил олдин экспериментал тарзда бир неча провинция ва районларда бошланган. Деҳқоннинг пудрат участкаси ҳажми ва ҳолатини аниқлаштиригандан сўнг учта расмий ҳужжат берилади 1) ушбу ерда хўжалик юритиш пудрати ҳуқуқини, 2) уй-жой қурилиши учун ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини, 3) уй-жойга мулккий ҳуқуқни берувчи гувоҳномалар. Бу иш мураккаб бўлиб, ягона мезонларнинг ва маблағларнинг йўқлиги ижро муддатини чўзмоқда.

⁵ [http://finance/people.com.cn/n/2013/1225/c1004-23939020.html/](http://finance.people.com.cn/n/2013/1225/c1004-23939020.html/)

нинг аъзоси мақомига эга бўлиш. Иккинчиси – пудрат ҳуқуқини амалга ошириш. «Ҳуқуқларни тақсимлаш» шароитида пудрат субъекти хўжалик юритиш ҳуқуқини бериш орқали мулкӣ даромад олади.

Пудрат ерда хўжалик юритиш ҳуқуқининг ажратилиши «уч ҳуқуқни тақсимлаш» орқали уни жонлантиришга олиб келди, ерни очиқ бозорда айирбошланиши ва уни янги эгалари қўлига ўтиши, кенг масштаби ишлаб чиқаришни рағбатлантирди.

Бунга яна деҳқонларга катта мулкӣ ҳуқуқларнинг берилиши ҳам сабабчи бўлди: деҳқонда мавжуд бўлган пудрат ерига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, даромад олиш, айирбошлаш ҳуқуқни тасдиқлаш ва 3-плениум томонидан кўрсатилган янги гаров ва кафолатлар ҳуқуқини¹ ажратиб кўрсатиш, бу эса ўз навбатида бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган шароитда жуда муҳимдир. Маблағ олиш мақсадида пудрат ерларда хўжалик юритиш ҳуқуқини фонд ташкилотларига гаров эвазига топширишга рухсат мавжуд, натижада деҳқонларнинг мулкӣ ҳуқуқидан даромад олиш ҳуқуқи амалга ошади.

ХКП МҚ сиёсатни ўрганиш кабинети қишлоқ бошқармаси раҳбари Фэн Хайфа қуйидагини таъкидлайди: «Қишлоқда деҳқон хўжалиги пудрат ҳуқуқини барқарорлаштирган ҳолда ва ерга коллектив мулкни сақлангани ҳолда хўжалик юритиш ҳуқуқининг жонланиши – Хитой қишлоғининг иқтисодий тизимида ислоҳотларни чуқурлашуви муҳим инновациядир»².

Нисбатан мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши унинг субъектига ерга пудрат ҳуқуқи ва даромад олиш ҳуқуқига таъсир этмаган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун хўжалик юритиш ҳуқуқини гаровга бериш орқали молиявий маблағлар олиш имконини беради. «Уч ҳуқуқни тақсимлаш»

шаҳарга кўчиб кетган деҳқонларга ерда хўжалик юритиш ҳуқуқидан чиқиш механизминини яратади³.

Ундан ташқари, пудрат хўжалигининг оилавий хўжалиги хўжалик юритиш ҳуқуқини бошқа хўжаликларга тақдим этиб, хўжалик юритиш янги шакларининг пайдо бўлиш манбасига айланади. Хўжалик юритишнинг барча янги шакллари ушбу хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида шаклланади. Хитой Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқда иқтисодий тизим ва бошқарув бўлими бошлиғи Чжан Хунюнинг фикрича, «Уч муносабат – ерга мулкчилик ҳуқуқи, пудрат ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқининг тартибга солиниши қишлоқдаги ислоҳотларнинг назарияси ва амалиётида муҳим ҳодиса ҳисобланади. Хўжалик юритиш ҳуқуқининг хўжалик юритишнинг пудратчилиқ ҳуқуқидан ажратиб олиниши ерда хўжалик юритиш ҳуқуқининг жонланишига, кенг масштаби хўжалик юритишнинг ривожланишига, қишлоқ хўжалигида янги типдаги хўжалик юритиш тизимини шакллантиришни жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади»⁴.

Яна шу нарса муҳимки, ерга мулкӣ ҳуқуқнинг бўлиб ташланиши оилавий хўжаликнинг намоён бўлиш шакларининг турли-туманлигини таъминламайди, лекин уларнинг хизматлар соҳасидаги бошқа субъектлар билан фаол алоқасини таъминлайди. Шу сабабдан оила хўжалиги ва кенг масштабдаги хўжалик юритиш замонавий ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакллари билан биргаликда фаолият юритиши мумкин⁵, бу эса ўз навбатида янги хўжалик тизими доирасида хўжалик юритишнинг кўпчилиқ шакларининг биргаликда ривожланишига қулай шарт-шароит яратади.

Шундай қилиб, оила хўжалиги янги типдаги хўжалик юритишнинг асосий шакли сифати кўрилишининг асосий саба-

¹ http://www.gov.cn/jrzq/2013-11/15/content_2528179.htm/

² «Нунминь жибао», 18.11.2013.

³ Ўша ерда.

⁴ «Нунминь жибао», 19.02.2014.

⁵ Ўша ерда.

би, хўжалик юретишнинг янги шакллари-нинг барчаси асосан пудрат хўжаликлар томонидан хўжалик юретиш ҳуқуқини бериш орқали шаклланишидадир. Қишлоқда ер ислоҳотларини чуқурлаштиришда икки янги назарий категориялар – «оила хўжалигининг базавий ҳолати» ва «хўжалик юретишнинг кўпчилик шакллари бир-галикда ривожлантириш» фақатгина бир-бири билан узвий боғлиқ эмас, балки ўзаро боғлиқ шаклланиб бораётган янги типдаги хўжалик юретиш моделларини тўлдирувчи бўғинлар ҳисобланади. Шундай қилиб, хўжалик юретиш ҳуқуқи субъектини алмаштириш ҳисобига оилавий хўжаликнинг мулкӣ ҳуқуқини тақсимлаш асосида янги хўжалик юретиш шакллари-нинг тизимли механизми яратилади.

Хитойлик олимларнинг таъкидлашича, келажакда барқарор ривожланишни сақлаш учун янги хўжалик субъектлари ҳуқуқларини кафолатлашнинг мустақам механизми яратилиши зарурлигини таъкидлашмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ердан тўлиқ ва самарали фойдаланганлик дара-

жасини маълум бир кўрсаткичлар тизими ёрдамида таҳлил этиш лозим. Кейинги йилларда ерлардан фойдаланишнинг самарадорлиги талаб даражасида эмас. Сабаби – ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолати ёмонлашаётганлиги, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тўлиқ жорий этилмаётганлиги, суғориш иншоотларининг ишга яроқлилик ҳолати пасайиши, ерлардан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантиришнинг сустлигидир.

Келажакда ер ресурсларидан фойдаланиш даражасини ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш учун тупроқ унумдорлигини, сувнинг сифатини яхшилашга қаратилган барча тадбирлар ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш зарур. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг барча минтақа ва ҳудудларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида 2020 йилгача мўлжалланган минтақавий дастур ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш зарур¹. Мамлакат миқёсида ер-сув мониторинги ва кадастрлари талаб даражасида амалга оширилишини таъминлаш керак.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 15 январь.
2. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: «Фан», 2004.
3. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш масалалари. // «Иқтисод ва молия», 2015 йил, 9-сон. -10-16-б.
4. Нунцунь цзинцзи бяньгэ ды сытун каоча (Исследование системной эволюции аграрной экономики). Чжунго шэхуэй кэсюэ чубаньшэ, 1984. -С. 268-272.

¹ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш масалалари. // «Иқтисод ва молия», 2015 йил, 9-сон, 15-б.

5. Чэнь Цзяньбо. Структура управления коллективной собственностью на землю – проблема, вновь требующая внимания. // Чжунго нунцунь чжэнцэ баогао тяоча (Обследование докладов аграрной политики Китая) (Глав. ред. Хан Цзюнь). Ч. 2. Шанхай юаньдун чубаньшэ, 2008. -С. 257-258.

6. Островский А.В. Китайская модель перехода к рыночной экономике. – М.: ИДВ РАН, 2007. -С. 29.

7. «Чжунго нунцунь цзинцзи», 2011, №4. -С. 6.

8. «Чжунго гайгэ», 2013, №12. -С. 19.

9. «Нунминь жибао», 18.11.2013.

10. http://rdi.cass.cn/show_News.asp?id.33987.

11. http://rdi.cass.cn/show_News.asp?id.35075; 35032.

12. http://rdi.cass.cn/show_News.asp?id.35075.

13. http://rdi.cass.cn/show_News.asp?id.35115.

14. <http://finance/people/com/cn/n/2013/1225/c1004-23939020.html/>

15. http://www.gov.cn/jrzq/2013-11/15/content_2528179.htm/